Стратегик ва минтақалараро
КУТУБХОНАСИ
тадқиқотлар институти

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2006-yil • 23-fevral • Payshanba • 23 (27.515) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати бешинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлиси 2006 йил 24 февраль куни соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.*

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига:**

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2006 йил 23 февраль куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.*





## *Ўзбекистон ХДП МК Ижроқўм Ҳайъатининг* ҚАРОРИ

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси кенгашлари, ташкилотлари ва депутатлик тузилмаларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган йиғилишида қилган маърузасидан келиб чиқадиган сиёсий ва ташкилий вазифалари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралда бўлиб ўтган йиғилишида қилган маърузасининг принципиал қоида ва хулосаларини қўллаб-қувватлаб, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси Ҳайъати ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг 2005 йилда эришилган якунлари иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва уларнинг ижтимоий самарадорлигини ошириш учун яхши замин тайёрлаганлигини қониқиш билан таъкидлайди.

Мамлакат Президенти томонидан берилган қуйидаги баҳо ва қўйилган вазифалар партия учун алоҳида сиёсий аҳамиятга эгадир:

— аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини оширишнинг муҳим шарти сифатида иш билан бандликни таъминлаш;

— ушбу мақсадда енгил ва озиқ-овқат саноатининг маҳаллий хомашёни чуқур қайта ишлаш ва рақобатбардош, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган, кўп меҳнат талаб қиладиган тармоқларини жадал ривожлантириш;

— хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини, биринчи навбатда, қишлоқ жойларда ривожлантириш;

— касаначиликнинг йирик саноат корхоналари билан кооперациялашувидан фойдаланишни кенгайтириш;

— уй-жой-коммунал хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштириш, уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолияти самарадорлигини ошириш, коммунал хизматлар ва таъмир ишларининг реал бозорларини шакллантириш.

Бу вазифаларнинг изчил амалга оширилиши партия электоратининг ҳаётий манфаатларига тўлиқ жавоб беради. Ўзбекистон ХДП Дастурининг асосий сиёсий устуворликлари ҳам шу мақсадларга эришишга қаратилган. Бу партиянинг барча кенгашлари, ташкилотлари ва депутатлик тузилмаларидан ушбу вазифаларни амалга оширишда фаол иштирок этишни талаб этади.

**Ўзбекистон ХДП МК Ижроқўми ҳайъати қарор қилади:**

1. Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар кенгашлари, барча бошланғич ташкилотларига мамлакат Президенти томонидан, Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралда бўлиб ўтган йиғилишида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва ижтимоий самарадорлигини ошириш бўйича қўйган вазифаларини ижтимоий-сиёсий жиҳатдан кенг қўллаб-қувватлашни таъминлаш тавсия этилсин.

Шу мақсадда, аҳоли ўртасида 2006 йилда иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини, барқарор ва мутаносиб макроиқтисодий кўрсаткичларини таъминлаш бўйича қўйилган вазифалар моҳияти ва бунинг партия электорати ҳаётий манфаатларини изчил қониқтириш ва унинг ижтимоий ҳимоя даражасини ошириш учун аҳамиятини тушунтириш юзасидан кенг миқёсдаги мақсадли ишлар олиб борилсин.

2. Барча партия кенгашлари давлат ҳокимияти тегишли маҳаллий вакиллик органларидаги ХДП депутатлар гуруҳларининг:

— тегишли ҳудудларга мослаб, 2006 йилга белгиланган иқтисодиётни ислоҳ қилишда устувор вазифаларни амалга оширилишини таъминлашга қаратилган зарур чоралар мажмуи;

— минтақа хусусиятлари ва аҳолини иш билан юқори даражада таъминлашга қаратилган, туман ва шаҳарлар бўйича янги ишлаб чиқаришларни, биринчи навбатда мослашувчан кичик корхоналарни ташкил этишни кўзлаб, саноатни ривожлантиришнинг 2010 йилгача мўлжалланган аниқ дастурлари;

— аҳолини иш билан бандлиги даражасини оширишга қаратилган ҳудудий дастурларни амалга ошириш бўйича аниқ чоралар ва уларнинг бажарилиши устидан назорат механизмлари;

2-бет

● Маҳсулот — ўзимизники, Ўзбекистонники!

## «СОВПЛАСТИТАЛ» ҚЎШМА КОРХОНАСИДА

Бугун мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти юксалиб боришида республикамизда фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналарнинг ҳам ҳиссаси катта.

Пойтахтимиздаги «Совпластитал» Ўзбекистон — Италия қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ўзининг сифати, харидоргирлиги, жаҳон стандартларига тўла мослиги билан нафақат ички бозорда, балки Қозоғистон, Россия каби давлатларда ҳам машҳурдир. 650 нафарга яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган корхонада бугун 8 минг турдан ортиқ маҳсулот тайёрланиб, истеъмолчиларга етказиб берилмоқда.

— Бизда ишлаб чиқарилаётган халқ хўжалиги моллари пластмассадан, уй безаклари ва сувенирлар эса керамика ҳамда чиннидан тайёрланади, — дейди корхона бош директори ўринбосари Мукаррам Хўжаева. — Корхонамиз Россиянинг Москва, Нижний-Новгород, Қозоғистоннинг Алмати, қолаверса, Урганч, Самарқанд, Қарши ва Жиззах каби шаҳарларда ўз дўконларига эга.

Қўшма корхона томонидан ўтган йили 3 миллиард сўмлик маҳсулот ички бозорга, 600 минг доллар атрофида хорижга экспорт қилинди. Москвада ўтказилган «Химия — 2005» халқаро кўргазмасида иштирок этган корхона маҳсулотлари олти йўналишда олтин медалга сазовор бўлди. Аҳамиятли томони, корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг тури кўпайиб бормоқда. Хусусан, ўтган йилнинг ўзида кўп маротаба фойдаланиладиган идишлар тўплами, 300 хилдан ортиқ ўйинчоқлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

— Мамлакатимизда болалар спортига алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди бўлим бошлиғи Миразиз Жалолов. — Бу хайрли ишга биз ҳам ҳиссамизни қўшиш мақсадида корхонада спорт иншоотлари учун мўлжалланган ўриндиқлар, коптоклар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик.

Шунингдек, бу йил корхона республикамизнинг қолган вилоятларида ҳам ўз фирма дўконларини очишни режалаштирган.

**Маъмуржон МАҲМУД,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**





*Суратларда: корхона фаолиятидан лавҳалар.*





**Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**

## ОМБУДСМАН БИЛАН УЧРАШУВ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Германия Бундестагининг Германия-Марказий Осиё парламент гуруҳи раиси Хеди Вегенер хоним раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С.Рашидова билан учрашди.

Мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасида барча соҳаларда, жумладан, қонунчилик, ҳуқуқ-тартибот соҳасида ҳам самарали ҳамкорлик йўлга қўйилгани таъкидланди. Меҳмонлар юртимизда амалга оширилаётган демократик жараёнлар, Омбудсман институтининг республикамиздаги жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлиги ва унинг фаолияти билан танишдилар. Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш борасида улкан ишлар амалга оширилгани қайд этилди.

**(ЎзА)**

● Парламент фаолияти

## ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

21-22 февраль кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг мажлиси бўлиб ўтди.

Депутатлар сиёсий партияларнинг 2005 йилдаги фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисидаги ҳисоботларини муҳокама этдилар.

Маълумки, «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Қонунга асосан мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партияларнинг устав фаолияти 2005 йилдан эътиборан давлат томонидан молиялаштирилмоқда. Шу вақтга қадар баъзи партиялар, ҳатто уларнинг Марказий органлари ҳам керакли моддий-техника базаси қолаверса ҳатто ўз биносига ҳам эга бўлмаган. Партиявий ишларни изчиллик билан олиб боришни таъминлаш учун ходимларга ойлик маош тайинлашнинг ҳам имконияти бўлмаган. Бу қонуннинг амал қилиши сиёсий кучларнинг имкониятлари кенгайиб, янада жонланишига катта туртки бўлди.

Муҳокамалар жараёнида давлат бюджетидан ажратилган маблағлардан фойдаланишда баъзи хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги кўрсатиб ўтилди. Бу борада Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши томонидан намунавий ишлар олиб борилганлиги алоҳида эътироф этилди.

Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган «Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни Олий Мажлис Сенати томонидан рад этилган эди. Шундан сўнг ушбу қонун юзасидан парламент палаталарининг келишув комиссияси тузилди. Комиссия Сенатнинг эътирозларини ўрганиб чиқди ва натижада тегишли моддалар янги таҳрирда ишлаб чиқилди.

Мажлисда депутатлар келишув комиссиясининг иши якунини муҳокама этдилар. Ушбу масала юзасидан Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси Изидор Кочмарик маъруза қилди. Депутатлар томонидан билдирилган таклифлар инобатга олиниб, қонун қабул қилинди ва уни яна Сенатга юборишга қарор қилинди.

Иккинчи ўқишда киритилган «Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси ҳам қизғин мунозараларга сабаб бўлди. Ушбу юзасидан Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзоси Ражаббой Рўзметов ахборот берди. Лойиҳанинг бандлари бўйича билдирилган фикрлар, таклифлар ҳисобга олиниб, у иккинчи ўқишда маъқулланди. Депутатлар томонидан ушбу қонун лойиҳаси юзасидан ортиқча саволларга ўрин қолмаганлиги билдирилди. Шундан келиб чиқиб, палата қонунни қабул қилиш ва уни Сенатга юборишга қарор қилди.

Палата мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ваколатларига тегишли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

**Беҳзод ШУКУРОВ**

● ЎзХДП ҳаёти

## СИЁСИЙ САВОДХОН ЭЛЕКТОРАТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Жамият тараққиёти, халқнинг фаровон турмуш кечириши кўп жиҳатдан аҳолининг сиёсий саводхонлигига боғлиқ. Шундан келиб чиқиб Ўзбекистон Халқ демократик партияси сиёсий саводли электоратни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Ушбу мақсадларни амалга ошириш борасида партия Марказий Кенгаши «Фаол аёллар» гуруҳи мамлакат хотин-қизларининг ҳуқуқий, сиёсий, ижтимоий билимларини ошириш борасида тадбирлар, учрашувлар ташкил этиб келмоқда.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ва Республика хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорликда Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонини бажариш, унинг жойлардаги ижроси устидан назорат ўрнатишга бағишлаб «Сиёсий саводли электоратни шакллантириш — республика сиёсий кучларининг бош мақсади» мавзуида давра суҳбати ўтказди.

Давра суҳбатида партия Марказий Кенгашининг «Фаол аёллар» гуруҳи ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзолари, Республика хотин-қизлар қўмитаси вакиллари, Тошкент вилояти ва пойтахтдаги маҳаллаларнинг диний-маърифий, ахлоқий-маънавий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, соғлиқни сақлаш, халқ таълими тизими мутасаддилари қатнашдилар.

Маълумки, партиямиз электоратининг салмоқли қисмини хотин-қизлар ташкил этади. Демак, уларнинг ҳуқуқий ва сиёсий онгини ошириш, жамиятда вужудга келган муайян муаммоларни бартараф этиш, маълум кучларни, айниқса, хотин-қизларни ўзаро манфаатларни юзага чиқаришда бирлашиб курашишга ўргатади.

Суҳбат чоғида маърузачилар ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлида хотин-қизларнинг жамият ижтимоий ҳаётида, сиёсий жараёнларда фаоллигини ошириш, аввало, уларнинг сиёсий маданиятини юксалтириш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож, кўп болали, ногирон, пенсионер, боқувчисини йўқотган оилалар давлат томонидан ҳимояланиши борасида ЎзХДП томонидан илгари сурилаётган ғоялар хусусида сўз юритдилар.

Бутун дунёда инсон қалби, хусусан, ёшлар, аёллар онгини эгаллаш учун мафкуравий кураш шиддатли тус олмоқда. Афсуски, баъзи хотин-қизлар, ёшларимиз ёвуз ниятли оқимлар таъсирига тушиб қоляпти. Ҳозирги кунда Марказий Осиё минтақасида содир бўлаётган мафкуравий жараёнлар, турли ёт ва бизнинг менталитетимизга бегона мафкуралар хуружи, мамлакатимиздаги тинч-осойишта ҳаётни бузиб интернет сайтлари орқали тарқатилаётган турли хил бўҳтон, хабарларни зийрак нигоҳ билан мушоҳада қилиш учун аввало, хотин-қизларнинг сиёсий савияси бундай ғояларга қарши мафкуравий иммунитет ролини ўйнайди.

ЎзХДП Марказий Кенгашининг хотин-қизлар сиёсий фаоллигини ошириш ва ёшлар масалалари бўйича секторининг ўтган 2005 йилда олиб борган фаолияти ҳақида партия Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Г. Аъзамова маъруза қилиб, хотин-қизлар партиямизнинг асосий таянчларидан биридир, — деди.

Афсуски, ҳали жамиятимизда жиноятчилик кўчасига кириб қолган хотин-қизлар, турли ёт оқимларга қўшилиб қолаётган аёллар, ёшлар бор. Бу ҳол уларнинг ҳуқуқий савияси, сиёсий иммунитети пастлигини билдиради. Шунинг учун сиёсий саводли электоратни шакллантириш партиямизнинг бугунги долзарб вазифасидир.

Партия аҳолининг меҳнатга қобилиятли қисмини шунингдек, хотин-қизларни тўлиқ иш ва меҳнат шароитлари билан таъминлаш тарафдоридир. Бу борада партия кичик бизнесни ривожлантириш ва тармоқни микрокредитлашни қонуний мустаҳкамлаш, уй меҳнатини (касаначиликни) ривожлантиришга алоҳида аҳамият бермоқда.

Давра суҳбатида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева сўзга чиқди.

— Жамиятдаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий жараёнларда, ҳуқуқий демократик давлат қуришда хотин-қизлар етакчи кучдир. Аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш кўп жиҳатдан бандлик даражасига боғлиқ. Шунинг учун ХДП кичик бизнес, касаначиликни ривожлантириш орқали аҳолига янги иш ўринлари очиш йўлида саъй-ҳаракатлар олиб бормоқда. Биз аҳолининг манфаатларини ҳимоялашда эркин ижтимоий бозор иқтисодиёти тамойилларига суянамиз. Электоратнинг сиёсий фаоллигини ошириш орқали уларда ўз ҳуқуқларини ўзлари ҳимоялаш иммунитетини яратишга эришамиз. Аҳоли орасида истеъмол кредити, микрокредитлардан фойдаланишни кенг йўлга қўйиш учун курашишимиз керак. «Фаол аёллар» гуруҳи бу борада кенг тарғибот ишлари олиб борса мақсадга мувофиқ бўлади.

Зеро, сиёсий саводли электоратни шакллантириш партиянинг асосий мақсади, мамлакатимиз хотин-қизлари бу борада жамиятимиздаги илғор кучдир.

**Саида САЙХУН,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

O'ZBEKISTON HAVO YO'LLARI
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

O'ZSANOATQURILISHBANK
KO'PLARNI TANISHADI – MUNOSIBLARNI TANLASHADI!
Tel: 120-45-01, 120-45-82, факс: 133-32-40
www.uzpsb.com e-mail: info@uzpsb.com
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТА БАНК» – ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР
Хизматлар лицензияланган

## *Ўзбекистон ХДП МК Ижроқўм ҳайъатининг* ҚАРОРИ

### Ўзбекистон Халқ демократик партияси кенгашлари, ташкилотлари ва депутатлик тузилмаларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодийислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган йиғилишида қилган маърузасидан келиб чиқадиган, сиёсий ва ташкилий вазифалари тўғрисида

— касаначиликнинг йирик саноат корхоналари билан кооперациялашувидан фойдаланишни кенгайтириш, енгил ва озиқ-овқат саноатининг маҳаллий хомашёни чуқур қайта ишлаш тармоқларини жадал ривожлантириш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини, биринчи навбатда, қишлоқ жойларда 2010 йилгача бўлган даврда ривожлантириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига зарур қўшимча ва аниқликлар киритишда;

— уй-жой-коммунал хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштириш, уй-жой мулкдорлари ширкатларини мустаҳкамлаш, монополияни тугатиш, тегишли ҳудудлар ва аҳоли пунктларида коммунал хизматлар ва таъмир ишлари бозорларини шакллантиришнинг дастур ва режаларини ишлаб чиқишда иштирок этиб, ташаббус кўрсатишларини таъминлаш бўйича таъсирчан чоралар кўриши зарур деб ҳисоблансин.

Шу мақсадда, уларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралда бўлиб ўтган йиғилиши қабул қилган қарори кўзда тутган муддатларда давлат ҳокимияти тегишли маҳаллий вакиллик органларида кўриб чиқиш учун, Ўзбекистон ХДП дастурий устуворликларидан келиб чиққан ҳолда, санаб ўтилган вазифаларни бажариш механизмлари бўйича ўз таклифларини бериш тавсия этилсин.

3.Ўзбекистон ХДП маҳаллий кенгашларининг жойлардаги ижтимоий иқтисодий вазият, амалдаги қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва қарорлари ҳамда ҳукуматнинг бошқа қарорлари бажарилиши мониторингини мунтазам олиб бориш учун қатъийлиги ва масъулиятини ошириш.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралда бўлиб ўтган йиғилишида қабул қилинган қарорида қўйилган вазифаларни амалга ошириш шунингдек, қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор берилсин:

— халқ таълими ва соғлиқни сақлаш тизимларида ислоҳотларни тўлиқ ва ўз вақтида бюджетдан молиялаштиришни таъминлаш, шунингдек ижтимоий жабҳанинг бу муҳим соҳаларида меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва ходимлар моддий манфаатдорлигини кучайтириш чораларини кўриш;

— меҳнатни ташкил этишнинг касаначилик шаклларини ривожлантириш;

— Ҳомийлар ва шифокорлар йили Давлат дастури вазифаларини амалга ошириш.

Мониторингни амалга оширишда партиянинг жамоатчилик қабулхоналари ва давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органларидаги Ўзбекистон ХДП депутатлик гуруҳлари назорат-таҳлилий фаолиятидан тўлароқ фойдаланилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифаларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирларни 2006 йил 4 мартгача бўлган муддатда Ўзбекистон ХДП фаолларининг республика йиғилишида муҳокама этиш зарур, деб топилсин.

Мазкур фаоллар йиғилиши Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари раислари ва давлат ҳокимияти тегишли вакиллик органларидаги ХДП депутатлар гуруҳлари раисларининг ҳокимият маҳаллий органлари ваколатига кирадиган иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш масалаларини ҳал этиш ва уларнинг ижтимоий самарадорлигини оширишда ташаббускорлигини ривожлантириш масалаларига бағишлаб шу муддатларда ўтказиладиган семинар билан бирга олиб борилсин.

5. Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия кенгашларига Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралда бўлиб ўтган мажлисида қилган маърузаси қоида ва хулосаларини қуйидаги мавзулар бўйича партия депутатлар фаоллари навбатдаги семинарларида ҳар томонлама кўриб чиқиш топширилсин:

— Давлат хокимияти фаолиятининг жойлардаги молиявий асоси ва минтақаларда энг муҳим ижтимоий масалаларни ҳал этиш бўйича чоралар (2006 йил февраль).

— Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим масалалари бўйича фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлиги (2006 йил март).

— Аҳолининг иш билан бандлик муаммолари. Партиянинг дастурий вазифалари ва уларни минтақаларда бажариш йўллари (2006 йил июнь).

6. «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари, партиянинг маҳаллий нашрлари 2006 йилга белгиланган иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари ва уларнинг ижтимоий самарадорлигига бағишланган рукнлар очиб, уларда партиянинг маҳаллий кенгашлари, бошланғич ташкилотлари ва депутатлик тузилмаларининг тегишли фаолиятини кенг ёритсинлар, ижобий тажрибани кенг ёйишга кўмаклашсинлар, жойларда тегишли вазифаларни амалга оширишда дуч келинадиган муаммоларни аниқлаш ва ижобий ҳал этишда ёрдам берсинлар.

7. Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия кенгашлари 2006 йил давомида ҳар чоракда, ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 15 кунигача Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашига ушбу қарорнинг ижроси давомида, амалга оширилган ишлар ҳақида ахборот тақдим этсинлар.

*2006 йил 22 февраль*

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

● Мулоҳаза, мушоҳада

# БАЛИҚ НЕГА ҚИММАТ?



ёки истеъмол бозорида балиқ ва балиқ маҳсулотлари нархидан кўнглингиз тўлаяптими? Умуман, мамлакатимизда тармоқ ривожи қай аҳволда? Олий Мажлисимиз Қонунчилик палатаси иш режасида балиқ хўжалиги тўғрисида ҳам қонун лойиҳаси тайёрлаш кўзда тутилганми?

Тунов куни Қаршидан келаётиб, Сирдарё соҳили — Чинноздан ўтаётганда бозорчадан балиқ олмоқчи бўлдик.

— Нархи қанча бўлди? — сўрадик сотувчилардан.

— Сазаннинг килоси 2200 сўм, оқ амур 1900-2000, илон балиқ 1800 сўм, донабайи катта-кичиклигига қараб...

— Ўҳ-ҳўў...

— Сўранг, келиштириб берамиз.

— Тошкентда ҳам шу нарх-у..?

— Ҳаа, энди... ока, ҳозир ҳамма ерда тош-тарози бир... Тансиқ таом, парҳез...

✧✧✧

— Олой, Эски Жўва, Фарҳод бозорларида балиқ нархи қанча? — суриштирдик Тошкентга келиб.

— Осмонда..! Чиноз бозоридан фарқи йўқ...

Балиқ егиси келган одам ўйланиб қолади... Шу пулга гўшт олишни маъқул кўради.

Лекин балиқнинг фойдаси, шифоси ўзига хос. Унинг ўрнини бошқа гўшт босолмайди. Балиқни мияга қувват, кўзга нур, халқумга тозалик экани, айниқса, болалар танаси ривожига катта таъсири борлиги кўпчиликка яхши маълум. Афсуски, йил сайин арзонлашиш ўрнига қимматлашиб бораяпти? Нега, сабаби нимада?

2003 ва 2004 йилларда балиқ нарх-навоси бу соҳани янада ривожлантириш бўйича газетамизда икки марта мақола чоп этилган эди. Тегишли бошқарма мутасаддиларидан соҳа ривожи йўлида амалга оширилаётган ишлар, белгиланган режалар ҳамда тадбирлар ҳақида жавоблар олиб газетамизда эълон қилган эдик. Балиқчилик ривожланиши, балиқ гўшти арзонлашишига умид қилгандик. Орадан икки йил ўтиб, аҳвол ўнгланмаганини кўриб турибмиз. Бугунги аҳвол муаммога янада чуқурроқ ёндошишни талаб қилмоқда.

Маълумки, 2003 йил 31 август куни Вазирлар Маҳкамасининг **«Балиқчилик тармоғида монополиядан чиқариш ва хусусийлаштиришни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарори чиқдию, тармоқда таркибий ўзгаришлар бошланди. Жумладан, ўшангача фаолият юритиб келган «Ўзбалиқ» акциядорлик компанияси тугатилиб, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфида Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчиликни ривожлантириш Бош бошқармаси тузилди. Вилоятларда унинг бўлимлари ташкил этилди. Вазирлик ҳузуридаги қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш илмий марказида «Аквокультура» илмий-тадқиқот институти билан «Ихтиомарказ» корхонасини бирлаштириш ҳисобига Балиқчиликни ривожлантириш илмий-тадқиқот Маркази вужудга келди. Шундан сўнг, мазкур марказга минтақавий давлат питомниги ҳам шўъба корхона сифатида қолди.

Аввалига, аниқ мақсадлар кўзланиб ташкил этилган бу ишларда бир қадар ўзгаришлар сезилгандек бўлди: тармоқ давлат монополиясидан чиқарилди, корхоналар хусусийлаштирилди. Улар олдига селекция — наслчилик ишларини йўлга қўйиш, балиқ касалликларининг олдини олиш, даволаш муолажалари чорасини кўриш, зарур техника воситалари таъминотини ҳал этиш каби қатор вазифалар қўйилди, тартиблар белгиланди...

Хуллас тармоқда жуда кенг кўламли режалар ишлаб чиқилди. Одамлар (истеъмолчилар) наздида, гўё яқин 2-3 йил ичидаёқ мамлакатимизда балиқ ва балиқ маҳсулотлари мўл-кўл бўлиб, нархи ҳар ким ҳам бемалол харид қилиш даражасига тушиши кутилганди.

Мана, орадан қарийб уч йил ўтаяпти. Қабул қилинган қарор ижроси йўлида ва матбуотдаги чиқишлардан сўнг қандай ишлар қилинди? Балиқларни ҳар йили ўстиришга қўйиш, наслли (насл қолдирувчи) балиқлар зотини яхшилаш, урчитиш ва янги турларини иқлимга мослаштириш тадбирларини амалиётга татбиқ этишда Табиатни муҳофаза қилишга оид Қонун ва қонуности ҳужжатларига кўра барча ҳавзаларда балиқ ресурсларининг сақланиши ҳамда кўпайтирилиши юзасидан ишлаб чиқилган тадбирлар қай даражада бажарилмоқда?

Тармоқ озуқа базасини мустаҳкамлаш учун кўрилган ва кўрилаётган чоралар самараси қандай?

Соҳада янги лойиҳалар ишлаб чиқиш, сув ҳавзаларини паспортлаштириш, маҳсулот тайёрлашда экологик хавфсиз усулларни ўзлаштириш, балиқ касалликлари профилактикаси технологиясига амал қилиш ва ниҳоят, тармоққа малакали кадрлар тайёрлаш масалаларига эътибор қандай бўлаяпти?

Бозорларда, супермаркетларда, ошхоналарда балиқ ва балиқ

Биринчи мақола

маҳсулотлари нархининг қимматлиги сабаблари нимада? Уни арзонлаштириш ёки савдода чакана шахобчаларни кенгайтириш йўллари борми?..

**Шу каби саволлар билан Республика Балиқчиликни ривожлантириш илмий-тадқиқот Маркази директори Руҳилло ҚУРБОНОВ**га мурожаат қилдик.

«...Ўзбекистонда балиқ хўжалиги икки асосий йўналишга асосланади: балиқ овлаш ва ҳовуз балиқчилиги.

Балиқ овлаш табиий сув ҳавзаларида балиқлар тўдаларини оқилона овлаш кўринишида, ҳовуз балиқчилиги эса турли даражали шароитлардаги назорат қилинувчи ҳовузларда урчитиш шаклида намоён бўлади. Республикамизда асосий дарёлар оқими ирригация ва энергетика эҳтиёжлари учун йўналтирилганлиги, шунингдек, мамлакатимиз қитъанинг деярли марказида жойлашганлиги туфайли Ўзбекистонда балиқчиликнинг асосий манбаси — ҳовуз балиқчилигини ривожлантиришдир.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йилги қарори доирасида тармоқнинг балиқчилик ва балиқ овлаш корхоналари тўла хусусийлаштирилди ва асосан хусусий мулкка айлантирилди.

Марказимизнинг 2004-2005 йиллардаги илмий-тадқиқот фаолияти кичик ва хусусий бизнес корхоналари томонидан фойдаланиш учун балиқ етиштиришнинг янги технологияларини ишлаб чиқишга йўналтирилди. Шу даврда 6 та илмий-тадқиқот лойиҳаси бажарилди. Биргина «Оқ амур балиқларини тиғиз ўтказиш ҳисобига ҳовузлар ҳосилдорлигини ошириш ва омухта емсиз балиқ етиштириш технологиясини яратиш» лойиҳасини олинг: унинг доирасида ўстириш ҳовузларида сунъий озиқлантириш усулини қўлламаган ҳолда балиқ ҳосилдорлигини 20 центнергача оширишга эришилди. Ҳовузлар жойлашувининг каскад тизимида озуқа объектлари ва товар балиқларини алоҳида етиштириш усули қўлланилди.

Истиқболда ўсимликхўр балиқларни тиғиз ўтказиш ва личинкалик босқичидан юқори сув ўсимликлари билан озиқлантириш ҳисобига балиқ етиштириш технологиясини такомиллаштириш режалаштирилган.

Карп балиқларини садокларда экстенсив ва паст даражадаги жадаллик билан сақлаш синаб кўрилди. Тадқиқотлар натижалари ушбу тизимни ривожлантиришнинг истиқболли эканлигини кўрсатди. Бу ишлар «Сузувчи турларда карп балиқларини маҳаллий озуқалар билан озиқлантириш асосида етиштиришнинг жадаллаштирилган технологиясини ишлаб чиқиш» лойиҳаси орқали амалга оширилди.

Назарий жиҳатдан олганда, эришилган ҳосилдорлик Ўзбекистон шароитида 20-40 кг/м³га яқинни ташкил қилиши мумкин. Айни пайтда республикада ҳосилдорлик 0,1-0,01 кг/м³ даражасида турибди. Биз бу йўналишни карп личинкалари ва чавақлари билан ҳам ўтказишни режалаштирганмиз.

«Балиқларнинг маҳсулдор турлари ва зотлари селекциясини такомиллаштириш» лойиҳаси доирасида қатор янги турдаги инкубация аппаратлари синовдан ўтказилди. Уларда ўтхўр балиқлар увилдириғини инкубация қилиш карп балиқлариникига қараганда — 9 фоиз, оқ дўнгпешоналарникига қараганда — 13 фоиз, чипор дўнгпешоналарникига қараганда — 14,5 фоиз самаралироқ бўлди.

«Балиқ касалликларининг тарқалиши ва этиологик таркибини ўрганиш, диплостомоз ва лигулез касалликларига қарши кураш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш» лойиҳаси доирасида паразитларга чалинишнинг умумий кўрсаткичи аниқланди. У 62,6 фоизни ташкил этди. Паразит касалликлар профилактикаси ва дастлабки ташхис чоралари ишлаб чиқилди. Дастлабки ташхис усулларидан бири — ҳовуз сувининг pH назорат қилиш таклифи бўлди. Масалан, «Табиий сув ҳавзаларидан унумли фойдаланиш мақсадида овланадиган балиқ турлари мониторинги» лойиҳаси доирасида эса Айдар — Арнасой кўллари тизимининг балиқ ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди.

Марказимиз Фан ва технологиялар марказининг амалий илмий тадқиқотлари танловида қатнашиш учун яна 8 та лойиҳа тайёрлади. Уларнинг устувор вазифалари: тез ўсувчи, касалликларга чидамли наслларни барқарор олиш мақсадида уруғланган тўқималарнинг илк эмбрионал ривожланишида генетик манипуляция тадқиқотлари ўтказиш; насл берувчи сифатли зот функцияларини яхшилаш, такрор кўпайтириш, селекция наслчилик ишлари бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш; табиий ҳавзаларда балиқ тармоғини ривожлантириш бўйича илмий-услубий тавсияларни ишлаб чиқиш; сув ҳавзаларини паспортлаштириш ва балиқ захираси ва озуқа базасини баҳолаш; маҳаллий ва иқлимлаштирилган турлар ҳисобидан аквамаданият объектлари ассортиментини кенгайтириш; тармоқ учун малакали кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш, ўқув маркази ташкил қилиш ва ҳоказо». Бу режалар, лойиҳалар кўнгилни кўтаради, умид бағишлайди албатта. Аммо, одамларга аниқ натижа керак.

**Номоз САЪДУЛЛАЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» махсус мухбири**

*(Давоми бор)*

● ЎзХДП ҳаёти

# КАСАНАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУҲИМ ВАЗИФА

**ХОРАЗМ.** «Лола» хусусий корхонаси Хонқа туманида бир неча йилдан буён фаолият кўрсатиб келади. Корхона қисқа фурсатда ўзининг сифатли ва арзон маҳсулотлари билан тилга тушди. Бугун бу ерда қўли гул чеварлар тикаётган эркаклар костюмлари, пальто ва плашлар қўшни вилоятларда ҳам ўз харидорларини топмоқда.

— Президентимизнинг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони тармоқ учун айни муддао бўлди — дейди корхона раҳбари М.Тоҳиров. — Бизда ҳозир 20 га яқин ҳунармандлар фаолият кўрсатмоқда. Касаначиликни янада кенгайтириш имкониятлари бор. Бунинг учун бироз ёрдам зарур.

Партиямизнинг фаол аъзоси М.Тоҳиров ана шу ёрдам умидида туман партия кенгашига мурожаат қилди. Чунки, бу борада ЎзХДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси қарор қабул қилганидан яхши хабардор эди. Партия вилоят кенгаши корхонани янада кенгайтириш, маҳсулот сифатини ошириш, янгидан 40 ишчи ўрни очиш имкониятларини ўрганиб, Марказий Кенгашга таклиф билан чиқди. Яъни, ушбу корхона билан пойтахтда фаолият кўрсатаётган «Юлдуз» ва «Малика» фабрикалари ўртасида ўзаро алоқа ўрнатишга кўмаклашиш зарурлиги айтилди.

Партия Марказий Кенгаши ёрдамида Хоразм вилоят ва Тошкент шаҳар кенгашлари ҳамкорлигида айни дамда бу ишга бош қўшилиб, касаначи корхонани кенгайтириш ишлари бошлаб юборилди.

✧✧✧

**АНДИЖОН.** ЎзХДП Андижон вилоят кенгаши касаначиликни ривожлантириш мақсадида ўз режасини ишлаб чиқди. Бунда «Маҳалла» хайрия жамғармаси билан биргаликда иш олиб бориш кўзда тутилган. Чунки, маҳалла оқсоқоллари ким иш билан банд, ким ишсиз эканлигини яхши билишади.

Бўз туманидаги «Элга хизмат» МЧЖ раиси, Ўзбекистон ХДП аъзоси Манзурахон Саримсоқова шу йилнинг ўзида касаначиликни ривожлантириш ҳисобига қўшимча 20 та ишчи ўрни барпо этди. 2007 йилда эса қўшимча яна 25 ишчи ўрнини яратишни режалаштирмоқда. Масъулияти чекланган жамиятда касаначилик асосида ишловчилар болалар оромгоҳлари, коллежлар учун буюртма асосида ғилофлар, кўрпача, ёстиқ ва бошқа маҳсулотлар етказиб беришмоқда. Бу ерда «уста-шогирд» анъаналари ҳам давом эттирилаяпти.

Балиқчи туманида ҳам қатор ишлар олиб борилмоқда. «Хўжаобод» (спорт буюмлари ишлаб чиқарувчи) МЧЖда ҳудуддаги 20 нафар аёл билан шартнома асосида спорт буюмлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Хонобод шаҳридаги «Тарандубитель» заводида шаҳар партия ташкилоти кўмагида шартнома асосида уй бекалари учун уй меҳнати ташкил этилиб, болалар учун кийим-кечаклар тайёрлаш йўлга қўйилди.

✧✧✧

**ҚАШҚАДАРЁ.** Ғузор туман кенгаши ҳамда туман меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган йиғилиш ҳам ушбу Фармон ижросига бағишланди. Унда туман миқёсида 2006-2007 йилларда аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик ва рақобатни қўллаб-қувватлаш, касаначиликни ривожлантириш дастури ишлаб чиқилди.

✧✧✧

Худди шунингдек, Касби туман кенгаши ташаббуси билан «Дўстлик» маҳалласида фаол хотин-қизлар иштирокида касаначиликни ривожлантириш ва бу борада амалга оширилиши лозим бўлган ишлар муҳокамасига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

# КЕЛАЖАК ЁШЛАР ҚЎЛИДА

**НАМАНГАН.** Ўзбекистон Халқ демократик партияси фаолиятида ёшлар масаласи алоҳида ўрин тутмоқда. Буни айниқса, партия ташкилотлари қошида «Истиқбол» ёшлар қаноти ташкил этилганидан ҳам билса бўлади. Партия сафларига янги аъзо бўлаётганларнинг ҳам аксарияти ёшлардир.

Тўрақўрғон туман партия кенгаши ижроия қўмитаси «Ўқувчи ва талабалар ўртасида ўтказилган фан олимпиадаларининг вилоят босқичида муваффақиятли иштирок этган ва юқори натижаларга эришган бир гуруҳ ўқувчи-ёшларни рағбатлантириш тўғрисида» қарор қабул қилган эди. Яқинда туман партия кенгаши раиси Орифжон Охунов қатор партия фаоллари билан ўқув муассасаларида бўлди. Улар 4-сонли аниқ фанлар ва иқтисодиётга ихтисослаштирилган мактаб-интернат ўқувчилари, Оқтош иқтидорли болалар мактаб-интернати илму толиблари, қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи талабаларига ЎзХДП Тўрақўрғон туман кенгаши эсдалик совғаларини тантанали равишда топширдилар.

Тўрақўрғон қурилиш ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежи талабаси Сардорбек Маннонов эса ўқиш ва жамоат ишларидаги фаоллиги, алоҳида муваффақиятлари учун ЎзХДП туман кенгашининг стипендиясига сазовор бўлди.

✧✧✧

**НАВОИЙ** давлат педагогика институтида ЎзХДП вилоят кенгаши қошидаги «Истиқбол» ёшлар қаноти ва олийгоҳнинг «Камолот» ЁИҲ бошланғич ташкилоти ҳамкорликда «Заковат» интеллектуал ўйини ўтказилди. Ўйинда етти жамоа иштирок этди.

Ўйин давомида талабаларга «Истиқбол» ёшлар қанотининг мақсад-вазифалари ҳақида тушунчалар бериб борилди. Шу ернинг ўзида 2 нафар талабага партия билетлари тантанали равишда топширилди.

Ушбу қизиқарли тадбир сўнггида иштирокчилар ва ғолибларга ЎзХДП Навоий вилоят кенгаши ва «Истиқбол» ёшлар қанотининг эсдалик совғалари ва Фахрий ёрлиқлар тақдим этилди.

● Ернинг муносиб эгасини топиш — долзарб масала

# БОҒНИНГ ТАҚДИРИ БОҒБОНГА БОҒЛИҚ

Кейинги йилларда вилоятдаги айрим ширкат хўжаликларида барча боғлару узумзорлар ижарага берилди. Ижарага олганларни эса кўпроқ боғ эмас, ер қизиқтирди. Натижада боғлар... Ҳосилдорлик пасайди.

Бу билан вилоятда уста боғбонлар йўқ, деган фикрда эмасмиз. Самарқанд туманидаги «Наврўз Аср» ижара хўжалигида бу борадаги ишлар доимо оби-тобида. Хўжаликдаги 103 гектар токзор ва 21,4 гектар боғларга вақтида ишлов бериш, ўғитлаш, парваришлаш ишлари мутасаддилар томонидан қатъий назоратда. Натижа ҳам шунга яраша: ўтган йили узумзорларнинг ҳар гектаридан 80 центнердан, боғлардан эса 70 центнердан ошириб ҳосил олинди.

Президентимизнинг **«Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг **«Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»**ги қарори асосида вилоятдаги 43 та ширкат хўжаликларининг тармоққа ихтисослашувлари сақлаб қолинган ҳолда фермер хўжаликларига айлантирилмоқда.

Бугун ушбу тадбирни адолатли ва тартибли ўтказиш учун тармоққа ихтисослашган 10 та хўжаликда уларга муносиб эгалар топиш учун танлов асосида тендер ўтказилишига ҳозирлик кўрилмоқда. 1654,5 гектар боғ, 2318,3 гектар узумзор, 155,8 га тутзор, 194,8 га яйлов, 37,3 теракзор, 6187,2 гектар экин майдонлари, умумий ҳисобда — 11735,1 гектар майдон талабгорлари кўп.



— Мавжуд узумзору боғлар ва экин майдонларини хусусий мулкка айлантириш йўли билангина соҳани ривожлантириш, бозорларни мевалар билан тўлдириш мумкин, — дейди туман ҳокими **Баҳодир САЪДУЛЛАЕВ.** — Сўнгги йилларда майдалашиб кетган ижара усули туманимизда ўзини тўла оқлай олмади. Соҳада оқсаш сезилди.

Давр тақозоси билан ерга ҳақиқий эгалик ҳисси эҳтиёжи туғилди. Энди ҳукуматимизнинг соҳага доир мазкур муҳим ҳужжатлари ишимизга туртки бериши шубҳасиз... Биз қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалик ширкатларининг боғ ва узумзорларини сотиш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ, ерларни ширкат хўжалигининг умумий йиғилиши қарори билан фақат ширкат пайчилари ҳамда унинг аъзолари ўртасида ўтказиладиган ёпиқ кимошди савдосига қўйдик. Соҳага нотаниш бўлган, уни тушунмайдиган одамлар энди ерга эгалик қилолмайди. Янгидан боғ барпо этилаётган майдонларни эса ягона ер солиғидан 5 йилгача озод этаяпмиз.

**Маъсуджон ХОЛИҚОВ, «Наврўз Аср» ширкат хўжалиги аъзоси, даъвогар:**

— Кўп йиллардан буён шу хўжаликда меҳнат қиламан. Бир гектардан зиёд узумзорни ижарага олгандик. Ҳар йили хўжаликка ижара пулини тўларди-гу, кўпроқ даромад олишга ҳаракат қилардик. Тўғри, боғга яхши қарардик, лекин эгалик ҳисси, ўзимники деган туйғу йўқ эди. Мана энди, ҳукуматимиз ташаббуси билан мавжуд токзорлар хусусий мулк сифатида фермер хўжаликларига узоқ муддатга берилмоқда. Агар танловда ғолиб чиқсам, ҳар бир туп ток энди менинг мулким бўлади... Қаров ҳам шунга яраша...

**Усмон СУЯРОВ, хўжалик аъзоси, 13-лойиҳа бўйича даъвогар:**

— Биз ҳам кўп даъвогарлар қатори 13-лойиҳада жойлашган боғни фермер хўжалигига айлантиришни ният қилдик. Насиб этса, ниятимиз йўлдош бўлиб, мева-чева мўллигига эришамиз, гап йўқ...

Дарвоқе, вилоятда бу йил кўпгина қайта ишлаш корхоналарининг тўла қувват билан ишлаши ҳам ана шундай мева-сабзавот маҳсулотлари мўл-кўллигига боғлиқ бўлиб турибди. Бу йил вилоят бўйича 24419 гектар майдонга сабзавот экинлари экилиб, 577152 тонна маҳсулот етиштириш, 95270 тонна мева, 198826 тонна узум ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Якунланадиган танловда мулк ҳақиқий эгаларига берилса режалар амалга ошишига кафолат яратилади.

**Шуҳрат ҚАРШИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

**Суратда:** Самарқанд тумани «Наврўз аср» ширкат хўжалиги тугатиш комиссиясининг раиси Ориф Ҳасанов тендер танловлари ҳақида талабгорларга тушунча бермоқда.

**Ҳусан ТЎҒИЗОВ олган сурат**

● Мулоҳаза, муносабат

# ҲАР БИР ХАТ ОРТИДА ИНСОН

## ЁКИ ФУҚАРОЛАРНИНГ ТАҲРИРИЯТГА ЙЎЛЛАЁТГАН МУРОЖААТЛАРИ ХУСУСИДА

Сўзсиз, оқ қоғозни қоралаш ҳам кўнгил ихтиёри. Кишида дард ё қувонч бўлмаса, қўлига қалам олмайди. Фуқаролардан таҳририятимизга келаётган хат-хабар, шикоят-аризалар шундан далолат. Одамлар идорама-идора юравериб, эшикларни «қоқавериб», асаблари чарчагач, адолат ва холислик излаб таҳририятга умид боғлайдилар. Аввало шуни таъкидлаш керакки, хат-хабарлар мазмунидан кўриниб турибди, мустақиллик йилларида муштарийларнинг дунёқараши, ҳуқуқий савияси анча ошган. Хусусан, улар кучли давлатдан, кучли жамият сари бораётганимизни яхши биладилар. Ҳуқуқий демократик давлатда қонун устувор бўлишини яхши тушунадилар. Ислоҳотлар йўлидаги ғовлар ҳақида куюниб фикр билдиришади.

Биз эса талабчан муштарийларимиз мактубларини эътиборсиз қолдирмасликка ҳаракат қиламиз. Хатлар эса турли мавзуларда ёзилмоқда. Жумладан, Тошкентнинг Бектемир туманидан таҳририятимизга хат йўллаган Р.Исоқов ўзининг дил сўзларини шундай баён қилади: **«Газетангиз ишидан қониқиш ҳосил қилаётганимни яширмайман. Дадил чиқишлар бор. Хусусан, «Бир тун... яратилган янгилик», «Энг долзарб масалалардан бири», «Кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш», «Муаммо ва ечим», «Ҳомийлик — халқимизнинг азалий қадрияти» каби ўнлаб мақолаларни санаш мумкин. Ўзим ХДП аъзоси сифатида партиямиз фаолиятида юз бераётган ижобий ўзгаришлардан фахрланаман. Айтайлик, «ҳомийлик фаолияти тўғрисида»ги қонун концепцияси ва ишчи лойиҳаси муҳокамасига биринчилардан бўлиб киришиш ҳам шундан далолат бериб турибди».**

Кексаларимиз фикрлари ҳам диққатни тортади. **«Навоий вилоятида кейинги йилларда юз берган ўзгаришлар кишини қувонтиради,** — деб ёзади Шодмон Бобоқулов. **— Туманлар, Зарафшон ва Навоий шаҳарларида қад ростлаган иншоотлар, шеърият султони номи билан юритилувчи боғни кўрганда дуога қўл очгим келади».** 83 ёшли Рўзи Ҳасанов эса адолат қарор топгани ҳақида ёзади: **«Денов туманидаги Ш.Қобилов номли ширкат хўжалиги раҳбарияти раҳмдиллик билан марҳума қизимдан етим қолган беш нафар фарзанд учун 0,12 сотиҳ ер ажратган эди. Томорқани қонуний расмийлаштириб олдик. Лекин невараларим ҳали ёш бўлганидан фойдаланмоқчи бўлган хўжалик ҳисобчисининг «вақтинча ердан фойдаланиб» туришига розилик бергандик. Лекин у яширинча ерни ўз номига ўтказиб олгани аён бўлиб қолди. Газетангизда «Прокуратура протести қаноатлантирилди» мақоласининг босилиши, суд ҳукми билан етимлар ҳақига хиёнат барҳам топди».**

Таҳририятга келаётган хатлар сони тобора кўпайиб бормоқда. Лекин шикоят аризалар нисбатан камаяётгани юртимиздаги ижобий ўзгаришлардан даракдир. Шикоят хатларини имкон қадар ўзимиз ўрганишга ҳаракат қиламиз. Қолганларини тегишли идора ва ташкилотларга юборамиз. Ўтган йили таҳририят томонидан Тошкент, Фарғона, Андижон, Хоразм, Жиззах вилоятлари ва Қорақалпоғистонга текшириш учун жўнатилган хатлар жавобсиз қолмагани диққатга сазовор. Аммо, Самарқанд, Бухоро, Сурхондарё, Сирдарё ва Наманган вилоят ҳокимликларига йўлланган баъзи мактубларга ҳанузгача жавоб кутилаётганини ҳам алоҳида таъкидламоқчимиз. Шунингдек, пойтахтнинг Юнусобод ҳамда Ҳамза тумани ҳокимликларидан хатларга жавоб олингани йўқ.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар», «Газетада босилмади, аммо...» рукнлари нашримиздан мунтазам жой олиб келмоқда. Чунончи, «Кўзи даволанадиган бўлди», «Қишлоқ туғуруқхонаси таъмирланади», «Ишга қайта тикланди», «Сув тошмайдиган бўлди» каби сарлавҳалардан кўриниб турибдики, одамларнинг газетага йўллаган мактублари инобатсиз қолмаган. Танқидий-таҳлилий чиқишларимизга ижобий муносабат билдирилган мақолалардан ҳам бир қанчасини санаш мумкин. Хусусан, «Манғитга шундай бозор ярашадими?», «Агар раҳбар эскича қараш билан иш юритса...», «Болалар боғчалари: таъминот, сифат, масъулият», «Маърифат мўъжизаси», «Иссиқ сув фақат қишда керакми?», «Қарздорлик ва унинг оқибатлари» сарлавҳали мақолаларда кўтарилган камчилик ва муаммоларни тегишли идоралар жойларда атрофлича ўрганиб, ўз вақтида таҳририятга жавоб берганини мамнуният билан таъкидлаш мумкин. Мисол учун «Ҳоким ҳал қилолмаган муаммони...» сарлавҳали мақола бўйича Шўрчи тумани ҳокимлигидан ижобий жавоб хати олинганди. Кўп ўтмай Шўрчи туман прокуратурасидан ҳам муносабат билдирилган хат олдик. Унда жумладан шундай дейилади: «Мақола Шўрчи тумани прокуратураси томонидан ўрганиб чиқилди. Маълум бўлишича, 18 хонадонга қарашли турар-жойлар Элбаёнсойнинг сел келиши хавфи бор ўзанида жойлашган экан. Мазкур масала бўйича туман ҳокимлигига тақдимнома киритилиб, фуқароларга хавфсиз жойдан ер ажратиш ва уларни кўчириш чораларини кўриш таклиф қилинди. Туман ҳокимининг қарорига мувофиқ Қора-ариқ массивидан 0,12 гектардан ер ажратиб берилганини маълум қиламиз».

Афсуски, ҳамма жойда ҳам фуқаролар мурожаатлари, газета чиқишларига вақтида эътибор қилиб, холис муносабат билдирилаяпти деб бўлмайди. «Ўғрисиз ўғрилик» сарлавҳали танқидий-таҳлилий мақола Шўрчи тумани Охунбобоев номли ширкат хўжалиги ва фуқароларга қарашли 800 бошдан зиёд қўй-эчкини адирдан ном-нишонсиз йўқолишига бағишланганди. Ушбу мақола ўтган йилнинг 9 июлида босилган бўлса-да, чорвадан дарак йўқ. Нима бўлганда ҳам фуқаролар мурожаатларига муносабат билдириш муддати белгиланган. Қолаверса, ҳар бир хат ортида инсон, унинг ҳаёти, қисмати турганини, одамлар қонун устувор бўлишига умид боғлаб, адолат исташларини унутмаслик керак, деб ўйлаймиз.

**Ҳайдар НОСИРОВ,**
**хатлар ва оммавий ишлар бўлими мудири**

● 2006 йил — «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»




# ТИББИЙ ҲАМКОРЛИК

— Фалокат оёқ остида, дейишгани рост экан. Ўғлим ногирон бўлиб қолган эди, шифокорларнинг саъй-ҳаракати билан у шифо топди!

Республика Шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг педиатрия мажмуида даволанаётган қибрайлик Қодир Ёқубовнинг онаси Қутби опа ўз кечинмаларини ана шундай ифодалайди.

Қодиржон туғилганидан кейин бир ёшга етмай бахтсиз ҳодиса туфайли чап қўли куйиб, бармоқлари бир-бирига ёпишиб қолганди. Бола тўрт ёшга тўлганда малакали шифокорлар томонидан операция қилиниб, бармоқлар бир-биридан ажратилган, бироқ чандиқлар сақланиб қолган эди.

Яқинда Қодиржоннинг қўлини марказ мутахассислари иккинчи бор операция қилишди. У бутунлай дарддан фориғ бўлди. Жарроҳлик амалиётида Жанубий Кореядан келган шифокорлар ҳам иштирок этишди.

Мазкур шифо муассасасида ўтказилган бир ҳафталик хайрия тадбири доирасида юртимизнинг турли ҳудудларидан келган туғма ва орттирилган нуқсони бўлган қирқ нафардан кўпроқ кам таъминланган оила фарзандлари ва меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари жарроҳлик йўли билан даволанди. Операцияларни мамлакатимизнинг малакали шифокорлари ва Жанубий Кореянинг Сеул миллий университети Бунданг шифохонаси мутахассислари ҳамкорликда бажарди. Ушбу тадбир Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Sen yolg'iz emassan», «Соғлом авлод учун» жамғармалари ҳамкорлигида ташкил этилди.

**Б.ХИДИРОВА, ЎзА мухбири**
**Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган сурат**

● Футбол

# НЕПОМНЯШИЙНИНГ ДЕБЮТИ

## ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ТЕРМА ЖАМОАСИНИНГ ЙИРИК ҲИСОБДАГИ ҒАЛАБАСИ БИЛАН БОШЛАНДИ



Хабарингиз бор, футбол бўйича навбатдаги Осиё чемпионати 2007 йил 7-29 июль кунлари Индонезия, Малайзия, Таиланд ва Вьетнам давлатларида бўлиб ўтади. Қуръага кўра, Ўзбекистон миллий терма жамоаси қитъа чемпионати саралаш босқичининг «F» гуруҳидан жой олган. Футболчиларимиз кейинги босқичга бериладиган икки йўлланма учун Қатар, Сяньган (Гонг-конг), Бангладеш терма жамоалари билан уй-сафар тизимида кураш олиб боришади.

Кеча Осиё чемпионатининг саралаш учрашувларига старт берилди. Ўзбекистон миллий терма жамоаси илк ўйинни ўз майдонида Бангладеш футболчиларига қарши ўтказди. Мазкур ўйиндан роппа-роса бир ой муқаддам терма жамоамиз мураббийлар штабида ўзгариш бўлганлигидан хабарингиз бор. Бу лавозимда россиялик Валерий Непомняший иш бошлади. «Бухоро» футбол клуби бош мураббийи Усмон Тошев эса терма жамоада ёрдамчи мураббий вазифасига тайинланди.

Футболчиларимиз янги бош мураббий Валерий Непомняший раҳбарлигида Бирлашган Араб амирликларида икки ҳафталик ўқув-йиғин машғулотларини ташкил этди. Бу йиғинда мураббийлар асосий легионерлардан ташқари, йигирма беш нафар футболчини кўрикдан ўтказишди. Улар орасида дарвозабон Темур Жўраев («Пахтакор»), ҳимоячилар Виталий Денисов (ЦСКА, Россия), Иброҳим Раҳимов («Пахтакор»)лар илк маротаба терма жамоа таркибида назорат учрашувларида қатнашдилар.

— Рақибнинг кучсизи бўлмайди, — деганди илк ўйиндан олдин Валерий Кузмич журналистлар билан ўтган матбуот анжуманида. — Гарчи, Бангладеш терма жамоаси жаҳон рейтингида қуйи поғоналардан бирини эгаллаб турган бўлса-да, бу учрашув муҳим ўйинлар олдидан таркибни шакллантириш учун алоҳида аҳамият касб этади. Шу боис, ушбу баҳсда таркибга жалб қилинган футболчиларнинг имкониятларидан тўлиқ фойдаланишга ҳаракат қиламиз. Мазкур ўйинда йирик ҳисобда ғалаба қозониш билан биргаликда ҳужумкор ва чиройли футбол намойиш қилишни ўз олдимизга бош мақсад қилиб қўйганмиз.

Учрашувдан олдин кўп минг сонли мухлисларнинг олқишлари остида мамлакатимизнинг «2005 йилдаги энг яхши ўйинчиси», деб топилган Максим Шацких («Динамо» (Киев) ва терма жамоамиз ҳужумчиси)га махсус совға топширилди. Совғани Ўзбекистон футбол федерацияси президенти Мираброр Усмонов топширди.

Саралаш босқичининг илк ўйинини кўтаринки кайфиятда бошлаган Ўзбекистон миллий терма жамоаси Бангладеш футболчилари дарвозасига жавобсиз бешта тўп йўллади. Тўпларни Александр Гейнрих, Максим Шацких (иккитадан) ҳамда Сервер Жепаровлар киритди.

Ўйин гарчи, йирик ҳисобда якунланган бўлса-да, футболчиларимиз хатти-ҳаракатида камчиликлар кўзга ташланди. Жумладан, Сервер Жепаровнинг майдондан четлатилганлиги 1 март куни Дохада Қатар футболчилари билан бўладиган учрашув олдидан терма жамоани қийин аҳволга солиб қўйди.

**Эркин ХОЛБОБО**

«Зангиота АТП» ОАЖ акциядорларининг 2004 йил 27 апрелдаги навбатдан ташқари умумий мажлиси №1 қарори ва Тошкент вилояти қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг 2004 йил 28 апрелдаги №154-Д буйруғига биноан «Зангиота АТП» масъулияти чекланган жамиятига айлантирилгани муносабати билан жамиятнинг барча собиқ акциядорлари бир ой муддат ичида ўз акцияларини маъмуриятга топширишлари шарт.

**«Зангиота АТП» МЧЖ бошқаруви**

● Ватан ҳимояси — олий шараф

Ҳарбий хизматчиларнинг маданий-маънавий савиясини янада юксалтиришда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Марказий ашула ва рақс ансамблининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Ҳарбий қисмларда ташкил этиладиган концертлар ва маданий тадбирларнинг мазмунли ҳамда кўтаринки руҳда ўтиши кўпгина ҳолларда мазкур ансамбль жамоасининг иштирокига боғлиқ бўлади.

— Давлатимиз раҳбари томонидан ҳарбий соҳа ривожига берилаётган алоҳида эътибор ансамблимиз зиммасига ҳам улкан масъулият юклайди, — дейди Марказий ашула ва рақс ансамбли бошлиғи — бадиий раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, майор Шуҳрат Дадажонов. — Қўшиқ, рақс, умуман, санъат инсонни улуғ ишларга руҳлантиради. Ватанпарварлик руҳидаги ашулалар эса кўнгилда эл-юртга муҳаббат туйғуларини янада жўштиради.

Миллий армияни шакллантиришнинг муҳим омилларидан бири — аскарларимиз тинглаётган, ижро этаётган куй-қўшиқларга ҳам боғлиқ. Ана шундан келиб чиққан ҳолда ансамбль репертуари мунтазам равишда миллий куй-қўшиқлар ва рақслар билан бойитиб борилмоқда. Таниқли шоир ва бастакорлар, балетмейстерлар билан ҳамкорликда халқимиз руҳига мос янгидан-янги куй-қўшиқлар яратилмоқда.

**Жасур КЕНГБОЕВ,**
**ЎзА мухбири**



Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган сурат

● Спорт

# «ОҚ ЛИБОС»ДАГИ ТУРИН

Шу кунларда дунё аҳлининг нигоҳи Италиянинг Турин шаҳрига қаратилган. Турин шаҳри деганда кўпчиликнинг кўз олдига машҳур «FIAT» йирик автомобиль концерни ёки машҳур «Ювентус», «Торино» футбол клублари келади. Лекин айни пайтда Турин XX қишки Олимпиада ўйинларининг мезбони бўлиб, 10 февралдан 26 февралгача давом этадиган қишки спорт ўйинларининг 15 тури бўйича дунё аҳлига ўзига хос спектаклни тақдим этяпти. «Турин — 2006» қишки Олимпия ўйинларида медаллар ва совринли ўринлар учун курашаётган спортчилар сони 2500 нафарни ташкил этиб, улар 88 мамлакат вакилларидир. Бундай нуфузли мусобақада Ўзбекистон спортчиларининг қатнашаётганидан ҳар биримиз ғурурланамиз.

XX қишки Олимпия ўйинлари мезбони Турин қадимий шаҳар. Шаҳар номининг маъноси итальян тилидан таржима қилинганида «Кичик ҳўкизча» маъносини беради. XX асрдан бошлаб Турин индустриал марказга айланди, машҳур «FIAT» автомобиль корпорацияси ишга тушди. Шаҳарда қадимий обида ва музейларга катта эътибор берила бошланди. Турин шаҳрининг жавоҳири деб «Турин кафани» экспонати ҳисобланади. Ҳозирда ушбу ноёб экспонат Сидон капелласида сақланади ва ҳар 25 йилда бир марта намойиш этилади. Дарвоқе, кейинги намойиш 2025 йилга тўғри келади. Турин шак-шубҳасиз Европанинг диққатга сазовор шаҳарларидан биридир. Чунки, бу ерда Италиядаги энг қадимий саналадиган «Сиационе-ди Порта-Нуова» номли темир йўл вокзали бўлиб, архитектураси гўзаллиги бобида Европада беназир ҳисобланади. Машҳур Леонардо да Винчининг автопортрети бор Қироллик кутубхонаси, машҳур Турин университети каби (1404 йилда асос солинган) санъат дурдоналари ҳам шу шаҳарда жойлашган.

Шунингдек, бу ерда «Миср музейи» бўлиб, унда 30 мингдан ортиқ экспонатлар бор ва улар ичидан фиравн Рамзес IIнинг ҳайкали, Қоҳирадаги коллекциялар сонидан сўнг 2-ўринда турувчи папируслар коллекцияси диққатга сазовордир. Шаҳарда «Марионеткалар музейи», «Криминал антропология музейи» ва албатта туринликлар ғурури ҳисобланадиган «Гранд автомобиль музей» мавжуддир. Туриннинг рамзи сифатида XIX асрда қурилган Моле Антонеллиана минораси тан олинган. Илгари минорада синагога жойлашган бўлиб, 2000 йилда бу иншоот Миллий кино музейига тақдим этилган. Парижликлар учун Эйфель минораси ёки барселоналиклар учун «Ноу камп» стадиони қандай аҳамиятли бўлса, туринликлар учун Моле Антонеллиана минораси ҳам шундай мақомга эга. Туриннинг тарихий маркази деб Кастелло хиёбони ва унда Савой ҳукмронлиги даврида қурилган қирол резиденцияси ҳисобланади. Хиёбонга қироллик мақомига эга боғлар туташган бўлиб, бу боғни машҳур Версаль истироҳат боғига асос солган Андре Ленотр барпо этган. Боғ ва истироҳат боғларнинг кўплиги туфайли Турин Европанинг экологик тоза шаҳарларидан бири, деб қайд қилинган.





Италиянинг ҳар бир шаҳри каби Турин ўзининг ичимликлари ва кулинарияси билан ҳам машҳур. 1786 йили Антонио Бенедетто Карпано туринликларга иштаҳани очувчи эрмани майини тақдим этди ва бу шаҳар аҳолисига маъқул келиб, шу аснода машҳур Вермут ичимлиги дунёга келди. Айтишларича, Карпано Вермут ичимлигини машҳур юнон шифокори Гиппократ рецепти бўйича тайёрлаган экан.



Ширинликларни хуш кўрувчилар учун Турин ҳақиқий «шоколадлар ороли»дир. Туринда Италия бўйича энг зўр ҳисобланадиган асл шоколад — Жанбуйя тайёрланади. Жанбуйя шоколадини шаҳарнинг деярли ҳар бир бурчагидан харид қилишингиз мумкин.

Албатта, агарда XX қишки Олимпия ўйинлари Туринда ўтмаганида ҳам бу шаҳарда сайёҳлар сони камаймаган бўларди. Чунки шаҳар машҳур архитектура, тасвирий санъат, музейлар, хиёбонларидан ташқари ўзининг тоғ чанғи спорти ва футбол юксак даражада ривожланган манзил сифатида ҳам мухлисларни ўзига чорлайди.

Тоғ чанғи спортининг ривожланишини Пьемонт (таржима қилинганда «Тоғ этаги» маъносини англатади) музофотининг пойтахти — Турин тоғ бағрида жойлашгани билан боғлаш мумкин. Футболнинг юксак даражада ривожланиши эса шаҳарнинг машҳур икки клуби «Ювентус» (таржимаси «Ёшлик») ва «Торино» (шаҳарнинг итальянча номи) футбол клублари билан боғлиқдир. «Торино» футбол клуби Италия «А» сериясида 1950 йилларгача кучли ҳисобланган. Лекин ҳозирги кунда клуб «В» сериясида қатнашмоқда. «Ювентус» футбол клуби эса «FIAT» автомобиль корпорацияси асосчилари Анъелли оиласига тегишли бўлиб, жаҳон футболи тарихида кўплаб нуфузли ютуқларни қўлга киритган. Қизиғи шундаки, туринликларнинг саксон фоиздан ортиғи «Торино» футбол клубига мухлислик қилишади. Сабаби, туринликлар «Торино» футбол жамоасини «шаҳарликлар» жамоаси деб тан олишади. Бу ҳам туринликларнинг ўзига хос садоқат намунаси бўлса керак.

Тан олиш керакки, нима бўлганда ҳам XX қишки Олимпия ўйинлари Турин шаҳри кўркига кўрк қўшиб, бутун Италия халқини маълум вақтгача янада бирлаштирди. Олимпия ўйинлари шарофати билан Туринда метро ишга тушди. Еттита йирик Олимпия объекти барпо этилди. Шак-шубҳасиз, бундай нуфузли мусобақага мезбонлик қилишдан нафақат туринликлар, балки бутун Италия халқининг қалби қувонч, ғурурга тўлди.

**Фурқат ҚУРБОНОВ**

✧✧✧

***Суратларда:** Турин шаҳри кўринишидан лавҳалар; фигурали учиш бўйича спорт жуфтлиги — ҳамюртларимиз Марина Аганина — Артём Князев.*

**BOSH MUHARRIR:**
**Safar OSTONOV**

**TAHRIR HAY`ATI:**
**Abdulla ORIPOV**
**Latif G`ULOMOV**
**Asliddin RUSTAMOV**
**Ashur QODIROV**
**Bobir ALIMOV**
**Habib SA'DULLA**
**Farruh HAMROYEV**
(Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
**Alimqul SULTONOV**
(Bosh muharrir o`rinbosari)
**Andrey ORLOV**
(Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
**Norbobo SHAKAROV**
**Nomoz SA`DULLAYEV**
**To`lepbergen QAIPBERGENOV**
**Muslihiddin MUHIDDINOV**
**Olim MURODOV**
**Abdug'ani MAMASODIQOV**
(Mas'ul kotib)

**MUASSIS:**
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**BO`LIMLAR:**
Siyosat, partiya va xalqaro hayot — 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat — 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 133-20-36
Parlament va huquq — 136-76-21
Ekologiya va salomatlik — 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik — 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib — 133-72-83
Reklama va e`lonlar — 133-38-55, 133-47-80

**VILOYAT MUXBIRLARI:**
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

**MANZILIMIZ:**
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi:
**Sohibjon SALIMOV**

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi:
**Ikromjon ISMOILOV**

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
**Korxona manzili:** *Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.*

*Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.*
***Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.***
**Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.**

**«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.**

Г — 450
*14289 nusxada bosildi*
*t — Тижорат материали*
O`zA yakuni —
Topshirish vaqti —
1 2 3 4 5 6
**Sotuvda erkin narxda**